



## Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бир қанча жиноят содир ва ушбу турдаги қилмишларни квалификация қилиш

Фаррухжон Рахматов  
Судьялар олий мактаби тингловчиси

**Аннотация:** мазкур мақола доирасида “бир қанча жиноят содир этиш”, “такроран жиноят содир этиш”, “жиноятлар мажмуи”, “рецидив жиноят” ва “бир қанча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилиш” каби тушунчаларни, судлар томонидан бир неча жиноят учун жазо тайинлаш, бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш шартлари ва уни такомиллаштириш масаласини таҳлил этишга бағишиланган. Мақола сўнгидаги муаллиф томонидан ушбу соҳада Жиноят Кодексини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** жиноят қонуни, квалификация қилиш, жазо тайинлаш ва бошқалар.

Жаҳонда жазо тайинлаш тизимиға оид қонунларнинг тўғри қўлланилишини таъминлаш сиёсатини ўрганиш, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги фаолиятини самарали ташкил қилиш масалалари бўйича илмий таҳлиллар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жиноят содир этишнинг олдини олишга қаратилган хулқ-атворни рағбатлантириш, бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш бўйича қонун нормаларини такомиллаштириш, жиноятлар рецидивини олдини олишнинг янги профилактик чоралари ва янада самаралироқ механизмини ишлаб чиқиш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш мухим аҳамият касб этмоқда.

Шахснинг бир неча жиноят содир этилганлиги унинг дастлабки тайинланган жазодан ёки илгари содир этган ижтимоий хавфли қилмишидан пушаймон бўлмаганлиги ва ўзига тегишли хулоса чиқармаганлигидан далолат беради. Бу шахснинг, жамият аъзоларининг ҳукуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатлари учун хавфлилигидан, жиноят қонуни билан қўриқланадиган номаларга риоя қилмасдан уларни яна бузиш хавфи мавжудлигини англаради.

Бир неча жиноят шаклларининг ҳукуқий белгилари ва жазо тайинлашдаги аҳамияти атрофлича ўрганилган. Бир қанча жиноятларнинг юридик аҳамияти ва шакллари жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан муддатидан олдин озод қилиш ва жазони ўтаб бўлгандан кейинги ҳукуқий оқибатга оид масалаларни ҳал этишга таъсир қилиши тадқиқ этилиб, мазкур тушунчага оид ёндашувлар ўрганилиб, муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган.



Бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашнинг аҳамияти атрофлича тадқиқ этилишда жазо тайинлашнинг умумий асосларига нисбатан олимлар (М.Рустамбоев, М.И.Бажанов, М.Усмоналиев, А.И.Рарог, Т.В.Непомняший, В.Дуюнов) томонидан билдирилган кўплаб фикрлар гурухларга ажратилган ҳолда таҳлил қилиниб, жазо тайинлаш тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Жумладан, мазкур мавзуда энг сўнгги тадқиқотни олиб борган миллий ҳуқуқшунос олимлардан Қ.Розимова жиноятлар мажмуи тушунчасига оид олимларнинг фикрлари қўйидаги гурухларга ажратган:

биринчи гурух олимлари жиноят қонунчилигидаги жиноятлар жами билан жиноятлар мажмуи тушунчаларини синоним тушунчалар сифатида қарайдилар;

иккинчи гурух олимлари ҳукм чиққунга қадар содир этилган жиноятларни жиноятлар мажмуи сифатида таъкидлайдилар;

учинчи гурух олимлари Ўз.Р. ЖКнинг 33-моддаси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда шахснинг судланмаганлигини жиноятлар мажмуи учун асос сифатида қўрадилар;

тўртинчи гурухдагилар эса илгари содир этган жиноятлари учун тайинланган жазони тўлиқ ўтаб бўлгунга қадар икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир қилинишига жиноятлар мажмуи сифатида таъриф беришини келтиради<sup>36</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 8-бобида “бир қанча жиноятлар” тушунчасига таъриф берилмаган бўлиб, фақат бир қанча жиноятнинг шакллари бўлган такroran жиноят содир этиш (ЖК 32-моддаси), жиноятлар мажмуи (ЖК 33-моддаси), рецидив жиноятлар (ЖК 34-моддаси) бир неча жиноятлар назарда тутилган.

Бир қанча жиноятлар жиноят тушунчасини изохлашда шуни ҳам инобатга олиш керакки, баъзи ҳолатларда турли вақтларда бир нечта жиноий қилмиш содир этилса, бошқа ҳолатларда бир вақтда битта жиноий ҳаракат содир этилиши билан қилмиш ЖК Махсус қисмининг бир ёки бир неча моддаларига мос келувчи бир қанча жиноятлар деб топилади.

Қайд этиш жоизки, бир қанча жиноятларни ташкил қилувчи барча жиноятлар фақат бир шахс томонидан содир этилган бўлиши, шахснинг айнан қандай вазифани бажарганлиги яъни, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилигидан қатъий назар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Жиноят кодексининг 32-моддасида такroran жиноят содир этиш тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда

<sup>36</sup> Розимова Қ.Ю. Бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш: 12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати/ Илмий маслаҳатчи: Қ.Р.Абдурасулова. – Т., 2020. Б.13.



тутилган икки ёки бир қанча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Жиноятлар мажмуи тушунчаси ЖК нинг 33-моддасида баён қилинган бўлиб, унга мувофиқ ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир қанча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

Шуни айтиш керакки, қонун чиқарувчи ЖК 33-моддасида “жиноий қилмиш” тушунчасини қўллар экан, уни кенг тушунади ва бу тушунчага нафақат тамом бўлган жиноятларни, балки жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш (ЖК 25-модда) ҳамда иштирокчиликда содир этилган жиноят (ЖК 27-модда) ларни ҳам киритади<sup>37</sup>.

Бир қанча жиноятларни аниқлашда фақат жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлган қилмишлар ҳисобга олинади. Агар содир қилган бирор бир қилмиш учун шахсни жавобгарликка тортиш асоси бекор бўлган бўлса, бундай қилмиш бир қанча жиноятларни ҳисобга олишда инобатга олинмайди.

Жиноятлар мажмуи ва такроранлиги тариқасидаги бир неча жиноят учун умумий белги - шахснинг бу жиноятлардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаслигидир.

Рецидив жиноят тушунчасига Жиноят Кодексининг 34-моддасида таъриф берилган бўлиб, унга кўра “Шахснинг илгари қасдан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасдан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади.

Илгари хукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам хукм қилинган шахснинг қасдан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасдан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун хукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта хукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига

<sup>37</sup> М.Н.Jiyanov. Bir qancha jinoyat sodir etganlik uchun javobgarlik // Farg'ona. 2002 yil. 68-bet.



беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Суднинг ҳукми билан шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олинниши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жинояtlар учун жавобгарликни белгиловчи моддалари шахс ушбу жинояtnи содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлсагина қўлланилади”<sup>38</sup> деб кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қўрсатмаларига мувофиқ, ЖКнинг 59-моддасида белгиланган жинояtlар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қоидалари қўйидаги ҳолларда қўлланилади:

қилмиш Жиноят кодексининг турли моддалари бўйича квалификация қилинганда;

қилмиш Жиноят кодекси муайян моддасининг бир неча қисмлари билан квалификация қилинганда, башарти ушбу қисмлар турли жинояtlар учун жавобгарликни назарда тутса (масалан, ЖК 228, 248, 273-моддалари);

шахс бир неча айнан ўхша什 қилмишни содир этган бўлиб, улардан айримлари тугалланган жиноят, бошқалари эса - жинояtgaga тайёргарлик, суиқасд тариқасида квалификация қилинганда ёки айримлари мустақил, бошқалари эса иштирокчиликда содир этилганда;

иш бўйича ҳукм чиқарилгандан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жинояtда айборлиги аниқланганда.

Шахс Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган ўхша什 қилмишни содир этганликда айбор деб топилганда жазо шу модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича тайинланади (ЖК 33-моддаси).<sup>39</sup>

Жиноят кодекси 59-моддаси ва Жиноят-процессуал кодекси 468-моддасида белгиланган суднинг ҳар бир жиноят учун алоҳида жазо тайинлаб, сўнgra жинояtlар

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси, 34-модда.

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори, 49-банд.



мажмуи бўйича узил-кесил жазо белгилаши шартлиги тўғрисидаги талаблар ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо тайинлашга тааллуқлидир.<sup>40</sup>

Жиноятлар такроранлигини бир қатор айнан ўхшаш ҳатти-ҳаракатлар билан турли вақтларда содир этилган бўлса-да, бироқ ягона қасд билан қамраб олинган, обьекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш давомли жиноятдан фарқлаш лозим. Бундай ҳолларда барча қилмиш Жиноят кодексининг мазкур жиноятни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи битта моддаси ёки моддаси қисми билан квалификация қилиниши лозим<sup>41</sup>.

ЖК 33-моддасига мувофиқ, жиноятлар мажмуи мавжуд бўлганда айбор шахс ўзи содир этган ҳар бир жиноят учун Жиноят кодекси тегишли моддаси ёки моддаси қисми бўйича жиноий жавобгар бўлади.

Жиноятлар мажмуи содир этилган барча жиноятлар белгилари Жиноят кодексининг оғирроқ жазони назарда тутувчи битта моддаси (моддаси битта қисми) диспозицияси билан қамраб олинган ҳолдагина ЖК битта моддаси (моддаси битта қисми) билан квалификация қилиниши мумкин.<sup>42</sup>

Россия Федерация жиноят қонунчилигига “Агар содир этилган жиноятлар мажмуига кирувчи жиноятлардан лоақал бири оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, жазоларни қисман ёки тўла қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинланади. Бунда агар озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланадиган бўлса, узил-кесил тайинланган жазо жиноятлар мажмуига кирувчи жиноятлардан энг оғири учун белгиланган максимал муддатнинг ярмидан ошиши мумкин эмас.”<sup>43</sup> Жиноятлар мажмуи учун қўшимча жазоларни қўллаш тартиби ёритилган. Унга кўра, тайинланган қўшимча жазолар Жиноят кодекси Умумий қисмida кўрсатилган максимал муддат доирасида тўла ёки қисман қўшилади.

Юқоридагилардан қўришимиз мумкинки, Россия Федерация жиноят қонунчилигига жиноятлар жами бўйича тайинланадиган узил-кесил жазо муддати ёки миқдорига чеклаш қўйилмоқда, яъни содир этилган жиноятларнинг энг оғири учун белгиланган энг кўп муддатнинг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бу ҳолат ҳам инсонпарварлик ва жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсатининг мазмун-моҳиятига мос келади ва шу нуқтаи назардан ушбу нормаларни

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори, 50-банд.

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли қарори, 4-банд.

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли қарори, 7-банд.

<sup>43</sup> Россия Федерацияси Жиноят кодекси 69-моддасининг 2-қисми.

миллий қонунчилигимизга жорий қилиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ривожланган давлатларнинг аксариятида бир қанча жиноят содир этишнинг икки шакли – жинояtlар мажмуи ва рецидив жиноят назарда тутилган. Бу ҳолатни ижобий баҳолаб, уни миллий жиноят қонунчилигига татбиқ этиш жиноят-хукуқий либераллаштириш сиёсатининг мазмун-моҳиятига мос келади ва инсон ва фуқаро хукуқларининг ишончли кафолати сифатида одиллик ва инсонпарварлик принциплари намоён бўлишига хизмат қиласди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли қарори
4. Россия Федерацияси Жиноят кодекси
5. М.Жиянов. Бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик